

“Почча бўлмай мен ўлай”

Ўтган йили Самарқанддан уйлангандим. Мана бир йил бўлди. Чилонзордаги бир хоналик квартирамда келин билан бахтли яшайпмиз. Магистратурада шартнома асосида ўқиётганлигим учун Самарқандга келинни қишлоғига ёзда бир маротаба бордим. Қишлоқ кўчаларидан қайнотамнинг уйи томон яёв кетаяпмиз. Йўлда олдимиздан ким чиқса, аёлми, эркакми, болами, чолми мени почча яхши келяпсизми деб, худди 30 йиллик қадрдонини кўргандек кучоқлаб сўрашиб кетади. Ҳайрон қолгандим ...

Ҳозир қиш, ҳаммаёқ қор, совуқ. Дарсдан чиқиб тўғри уйга шошиламан. Сабаби, шу кунларда магистрлик ишимни тезроқ якунига етказишим керак. Эшикни очган хотиним Анвар ака секин уйда меҳмон бор, деб шивирлади. Секин кирсам нотаниш кекса киши ва бир бола ўтиришибди. Мени кўришлари билан “э почча, салом алейкум, яхшимисиз, ишларингиз зўрми” - деб кучоқлашиб кўришишди. Шу чоқ келинбола чақириб қолди. Анвар ака була қишлоғимиздан келишган, борадиган жойлари ва танишлари йўқлиги учун бизникига келишибди. Озиб-ёзиб деганидек бир ош қилсак.

- Мен ҳўп дея стипендиямни охирги сўмларини қоғоз оламан дея асраб қўйгандим. Ўшани олиб ошнинг маҳсулотларини олиб келдим. Ош пишиб дастурхонга қўйилди. Гап бошлади қария: “Яшанг почча! оғайнимни шундай куёви бор экан билмай юрибман, қайнотангиз, Анварбекнинг уйига бормасангиз хафа бўламан дегани учун сизникига меҳмонга келдик”.

- Э, яхши қилибсизларда.

- Ҳа, хафа бўлмасангиз, йўлда бироз чарчадик, устига-устаг ҳаво совуқ, бир отамлашсак нима дейсиз? Шу пайт нима дейишни билмай қолдим. Қарасам, хотиним кўзларини жовдиратиб қараяпти. Шартта турдимда тўртинчи этажга чиқиб, ўрис кампирдан қарзга ярим шиша олиб чиқдим. Қишлоғида дин-диёнатдан тарбия берадиган чол бир ўзи ароқни ичиб тугатди. Кейин яна гап бошлади. Яхши почча экансиз, уйизда ўн кунча турақолсак. Манов укангиз билан қишлоқдан ўн қоп майиз олиб келганмиз. Шунини Чорсуга сотиб кетишимиз керак. Устига-устаг, манави набирамиз зўр ашулачи, сиз тошкентликсиз почча. Бу ерда таниш-билишларингиз кўп. Шу

сабаб, сиздан бир илтимос, набирамни кансерваторига ўқишга киришига ёрдам қилсангиз. Ўйқ деманг энди. Нима дейишни билмай ўша пайт келаверсинчи деб қўйдим.

Кейин меҳмонларга жой солдик, келин ошхонада ётадиган бўлди. Мен эса балконда диплом ишимга тайёрланиш учун чиқдим. Ҳамма ёқ жим-жит. Камина диплом ишини хомаки ўйламоқда. Шу пайт миямда пишиб турган диплом ишим балкондан тушиб кетди. Ҳалиги чол, қишлоқда трактор ҳайдаётгандек хуррак торта бошлади. Набираси эса, йўлда майиз сотиш қўшиғини машқ қилиб келганми? «Кеп қолинглар, Самарқандни зўр майизидан об қолинглар эҳҳе-ҳеҳ-ҳей» деб алаҳсираяпти. Билмадим, бу овоз билан қанақа қўшиқчи чиқади бу боладан. Хуллас, беш тунни бундан беш баттар ёмон ўтказдим. Олтинчи куни кечки пайт эшик жиринглади. Хотиним эшикни очиши билан бир ёш қиз келинчак, ўзини унга отди. Анча муддат қучоқлашгандан сўнг, ҳалиги ёш келинчак эшик ортида турган эрини ичкарига чақирди. Биз ҳам қўришиб, сўрашдик. Ичкарига киришди. Буларга ҳам зўрға бир “ошча” қилдик. Ётадиган вақт бўлди. Қарасам, менга ётиш учун жой йўқ, бунинг устига диплом ишимни ҳам ёзишим шарт. Хотинимга айтдим, “ман яхшиси ўқишда ёта қолай, диплом ишимни ёзаман” - деб эшикдан чиқаётгандим. У менга йиғламсираб деди: «Анвар ака бу менинг энг яқин дугонам, улар яқинда тўй бўлишибди. Асал ойини ўтказиш учун Тошкентга келишибди. Ўшанга илтимос қилишяпти. Поччамиз эртага Озодбек Назарбековнинг концертига 4та билет олиб келсинлар, бир дам олардик дейишяпти.» Ўшанчун эртага ўқишдан қайтишизда шуни ҳал қилиб келақолинг жон Анваржон ака. Эшикни секин ёптимда ташқарига чиқиб кетдим. Почча бўлмай мен ахмоқ ўлай!

Усмон АБДУРАСУЛОВ